

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ислом КАРИМОВ

Замонлардан замонларга, аждодлардан авлодларга моддий, маданий, маърифий, маънавий, руҳий бойликлар, аjoyиб анъаналар мерос бўлиб ўтади. Шу билан бирга шўролар давридан бизларга ўз кадрига ета билмаслик, тарихий гумроҳлик, руҳий тушқунлик, миллий парокандлик, маънавий кашшоқлик, она тили буйича чаласаводлик сингари ижтимоий иллатлар ҳам асорат бўлиб қолдики, бу иллатлар ўз табиатида кўра узоқ яшовчан бўлади. Халқнинг руҳан тушқунлиги, онгининг захарланиши энг оғир маънавий дарддир. Булар — миллат учун ўл хавфли. Уларнинг давоси эса шу халқ руҳига руҳан, онгига ақдан таъсир кўрсатиши, маънавий омиллари ила малҳам қўйишдир, тарихий хотирани тиклаш ҳам шулар жумласига киради. Тафаккурга фикр орқали, қалбга қалб орқали йўл топилади, кўнгил кўнгилдан сув ичди.

Халқимиз миллий мустиқилликка эришиш арафасида маънавият бобид шундай таназулга келиб қолган эдики, ҳатто тарих кўзгуси бўлиши кўча жой номлари ҳам шўровий номлар билан алмаштириб ташланган, бу иш тез сурутлар билан мутасил давом эттирилмоқда эди. Масалан, Тошкентнинг Кўча даҳасидаги Шайх Зайниддин бобо қабристони «Виллоя» қабристони деб, бу қабристондаги хилхоналар эса «Микоян хилхонаси», «Литвинов хилхонаси», «Авангард хилхонаси» деб янгича номланган эди, чунки бу атрофдаги маҳаллаларга шундай номлар берилган эди.

1991 йил 31 августдан Ўзбекистон учун янги давр бошланди. Президент Ислом Каримов йўлбошчилигида халқимиз миллий мустиқилликка эришти, янги ҳаёт бошланди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ватан туйғуси, ватанпарварлик Ислом Каримов феноменининг бош белгисидир. Миллий истиқлолнинг бешинчи кунда, яъни 1991 йилнинг 5 сентябрида Президент чиқарган илк Фармон билан шаҳар Марказий майдонига Мустиқиллик майдони номи берилганлиги фикримизга аққол мисол бўла олади. Тарихий жой номлари ҳам миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Чунки уларда халқимизнинг ўтмиши ўз ифодасини топади. Уларни ўрганиш, унутилган ва унутилмаган номларни тиклаш халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, бойитиш ва ўзлигини англашга хизмат этади.

ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

Жой номлари — ўтмишимиз кўзгуси

устига аввалгига сағана ўрнатилди, кейин макбара қурилади. Соҳибқирон Амир Темур 1391-1392 ва 1404 йилларда Шайх Зайниддин бобо қабрларини икки марта зиёрат қилиб, макбарани таъмир эттирди.

Бу жойлар азиз-авлиёларнинг назари тушган, яшаб ўтган табаррук даргоҳлардандир. Тошкент боғларига араб тарихчиси ал-Умарий XI асрдаёқ мафтун бўлган. 1485 йили Хиротда тугилиб, ўз ичода илмий Навоий мактабидан бошлаган мумтоз адабиётининг таниқли вақилларидан бири Зайниддин Воисий Тошкент боғларини кўргач, уларнинг мафтунли бўлиб, мадҳиялар ёзган.

«Оқилон» мавзеси шаҳарга туташ баҳаво, сўлим ва обод бўлгани сабабли тошкентлик зиёлилар бошқа мамлакатлардан, ўзга вилоят ва шаҳарлардан таъриф буюрган машҳур кишиларни ёз кезлари шу ерга қорлаб, меҳмон қилишган. Бундай меҳмондорчиликлар «Гулбоғ» деб аталувчи, ўнлаб шийпонлари ва суғалари бўлган, катта-кичик ариқларда зилол сув оқиб турган гулзорлардан иборат маҳсул катта боғда ўтказилган. Уларда машҳур ҳофизлар, созандалар ўз мақоратларини кўрсатишган, мушоиралар, навоийонлиқ, фузулийонлиқ, бедилхонлик, машрабхонлиқлар бўлган. Эндиликда марҳум нуроний отахонлар ҳижо қилишлари, XIX асрнинг охирида XX асрнинг бошларида Мўқимий ва Фуркат Кўкжондан Тошкентга таъриф буюришганда улар тошкентлик маърифатпарвар зиёлилар томонидан «Гулбоғ»га тақлиф этилиб, ширин суҳбатлар ва мушоиралар ўтказилган экан.

Азадан файли ва обод бўлиб келган «Оқилон» мавзеси истиқлол шарафати билан янада файзийб ва гавжам бўлиб кетди. Аҳолининг кўпайиши, янги-янги уй-жойларнинг қурилиши муносабати билан бу мавзеда учта маҳалла вужудга келди, уларга бир-биридан гўзал ва маънодор номлар берилган: «Оқилон», «Исломобод», «Кўкча». Бу маҳаллаларда ҳозир 16 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда мамлакатимизда улкан бўлган янги жоме масжиди қурилди, у Шайх Зайниддин бобо жоме масжиди деб аталади.

Истиқлол шарафати билан бугунда кўча масжид ва мадрасалар таъмирланди, янги масжидлар қурилди. Ҳозирги кунда Тошкентда 80 дан ортиқ жоме масжидлар ишлаб турибди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги Қонунга амал қилинмоқда.

Мавриди келганда яна шу нарсани жамоатчиликка маълум қилишни лозим топамики, Тошкентнинг 12 дарвозасидан ташқарида 12 та қабристон бўлган. Бунинг ўз рами, ўз маънавий, руҳий аҳамияти бўлган, албатта. Шаҳарда ёмон ниёт билан чиққан кишининг кўзи аввало қабристонга тушгач, ёмон ниётдан қайтган, охираб, бу дунёнинг ўткинчилиги эсига тушган, қалбига ахшилик қилиш ҳисси уйғонган. Худди шунингдек, шаҳарга ёмон ниёт билан қўнланган киши ҳам дастлаб қабристонга кўзи тушиб, ёмон ниётдан қайтган, эзгу ниёт билан шаҳарга кадам қўйган. Ҳа, аждодларимиз қабристонларга ўрин белгилашда ҳам эзгуликни кўзлаган. Ҳозир ўша қабристонлардан кўпчилиги, жумладан, Сағбон дарвозаси яқинида Ачаобод қабристони, Чиғатой дарвозаси яқинидаги Кўйчи ота қабристони, Қорасарой дарвозаси яқинидаги Хожа Алямбардор қабристони, Самарқанд дарвозаси яқинидаги Зоҳарик қабристони ва ниҳоят Кўкча дарвозаси яқинидаги Шайх Зайниддин бобо қабристони сақланиб келмоқда. Улар ёнидан ҳар кун миң-миңлаб ҳамшаҳарларимиз ўтишар экан, марҳум ва марҳума аждодларимизни эслаб, руҳларини шод этишади. Хотиралар орасида энг саоволини ҳам шу — ўтганларни эслаб қўйишдир.

Истиқлол йилларида тарихий хотирани тиклаш бобида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимиз имзо чеккан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил июнь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари, аҳоли пунктлари, ташкилотлари ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»-ги қарор алоҳида аҳамият қаюб этади. Қарорда ўқитиришича, ташкилот ва жойларнинг номлари ҳам халқимиз тарихи ва анъаналарига боғлиқ бўлиши, миллий мафкура ва мустиқиллик гоёларига хизмат қилиши лозим.

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ

АНЖУМАНЛАР

Дўстлик алоқаларини мустаҳкамлади

Авал хабар берилганидек, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида республика олий ўқув юртилари талабалар театри студияларининг «Нихол-2002» театр саноати фестивали ўз ниҳоясига етди. Бу йилги фестиваль аввалгиларидан анча фарқ қилди. Саҳна кўринишларида Ватанга муҳаббат, она, аёл муқаддаслиги, оиладаги меҳр-муҳаббат, ёш авлод тарбияси, илм-ғавда, тарихимиз, мадания-

дарвозасидан то Шайх Зайниддин бобо мақбарасигача 1800 қадам (тахминан 930 метр) бўлган. Бу мақбара «Оқилон» мавзесининг шимоли гарбида бунёд этилган.

«Оқилон» мавзеси энгизма ҳам, бўйига ҳам бир ярим километргача бўлган худудни эгаллаган. Унинг шарқ томони шаҳар девори ва «Кўкча» дарвозасига туташ бўлса, гарб томони кейинги мавзе — «Шофайзийқолоқ» мавзесига қариб етган. Тошкентнинг Лабаз дарвозасидан бошланувчи, эски шаҳарнинг шарқдан гарбигача кечиб ўтувчи Кайковус ариғининг бир ирмоғи бу мавзеге ҳаёт бағишлаган.

«Оқилон» мавзесининг тарихий миллодий VIII асрнинг бошларига қариб етди. Ривоят қилишларича, фотиҳ Кутайба ибн Абу Муслим ва унинг сафдошлари исломни ёйиш мақсадига миллодий 713 йили кўча Шош мулкига қадам ранжида қиладилар. Тавҳид таълимотида қалбани яқинлашиб турган Чоч ахли Исломни қабул қилади, мусулмон бўлади. Шунда фотиҳ Кутайба ибн Абу Муслимининг бир гуруҳ сафдошлари — комил кишилар Тошкентнинг ҳозирда Камолон дарвозаси деб аталувчи қисмини ўзларига макон қиладилар, иккинчи гуруҳ — оқил кишилар эса бошқа жойни ўзларига макон қилиб оладилар. Оқилон ибораси ана ўша тарихий воқеадан келиб чикади. Оқилон дегани оқиллар юрти деган маънони англа-тади. (Камолон дегани эса, комил-етук кишилар юрти маъносини билдиради). Шўролар даврида мавзе номи нотўғри ёзилиб, нотўғри талаффуз қилинди, «Оқилон» дейилиб, асл маъносига путур етди, ҳатто нотўғри маъно ҳам келиб чикди. Ҳозирги кунда тарихий адолат тикланиб, яна асл маъносини англаш олувчи шаклда «Оқилон» деб ёзилиб, тўғри талаффуз қилинмоқда. Дарҳақиқат, Алишер Навоий айтганларидек, «Тилга эътибор — элга эътибор», тарихга ҳурмат, юртга иззатдир.

Миллодий XII асрда суҳравардий тарихининг асосчиси Шайх Шахобиддин Суҳравардийнинг тўнғич ўғиллари Шайх Зайниддин «Оқилон» мавзесининг шимоли гарбий қисмига келиб макон тутадилар, уй-жой қилиб, тул қўйиб пахла ёзадилар. Мавзенинг бу бўлаги кейинчалик ушбу қароматгүй улуг зотнинг турар жойларига нисбат берилиб, Куйи Орифон, яъни орифлар юрти — тўлиқ диний биллимлири эгаллаган кишилар яшайдиган жой номи билан машҳур бўлиб кетади. Шайх Зайниддин қабристонга дафн этилади. Шундан бошлаб бу қабристон Шайх Зайниддин бобо қабристони деб аталади. Ул зотнинг қабрлари бўлиб кетади. Шайх Зайниддин бобо қабристони деб аталади. Ул зотнинг қабрлари бўлиб кетади.

Илмий муассаса мутахассислари яратган техникавий янгилликлар эндиликда энергетика, машинасозлик, радиотехника, тиббий каби соҳаларнинг муҳим йўналишларида ўзига кенг йўл топмоқда.

Биз ядро физикаси соҳасидаги техникавий ихтиролар устида ҳам изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди институт директори Саъдулла Лутфуллаев. — Ядро физикаси институтининг маъмурият бунёдига берилган буюртмалар бўйича бажарилган ишлар қурилиш натижаси берди. Биз тайёрлаб берган детектор қурилмалар илмий текширишларда ўзига кенг йўл топмоқда. Бу изланишлар зарралав бўйича юқори энергия қуввати ажратиш хусусиятига эга бўлган бундай техникавий янгиллик қўйиб батареяларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш учун замин яратди.

Ўзбекистон Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги буюртмаси билан қўйиб батареялар қурилмалари намуналари ҳам юзга келди. Эндиликда бу хил батареялар республика кишлоқ ҳўжалигини ме-

келтирилган ўсимликнинг 7 турига мансуб кўк-шил сурутлари ажратиб олинди. Чет эллик олимлар билан ҳамкорликда амалга оширилган изланишлар тўғрисида илмий даргоҳнинг ўсимлик коллекциялари анчага ортди. Германиянинг «Мадааний ўсимликлар ресурси ва генетикаси» лабораторияси ҳам марказий гербарий ихтиёрига берилди.

Кейинги йил йил ичида Ботаника бонингнинг игна баргли ва баргли коллекцияси 50 дан ортиқ намуна, дориов ўсимликлар коллекцияси 20 га яқин тур ҳисобига бойи-ди. Оролбўйи минтақасидан

«Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази бир миллиондан ортиқ гербарий намуналарини ўз ичига олган Марказий гербарий неғизига эга. Ана шу нобўй яшил манбадан самарали фойдаланиш мақсадида марказ фаолияти кенг йўлга қўйилди. «Ўсимликлар дунёси ва систематикаси» лабораторияси ҳам марказий гербарий ихтиёрига берилди.

«Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказининг мириатор устаси Беҳзод Ҳожиметов ёш иқтидорли ихкорлардан бири ҳисобланади. У яратган бир қатор асарлар республикамизда бўлиб ўтаётган кўрғазма ва танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётир.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

моалар йўналишлар бўйича муносиб муқофотлар билан рағбатлантирилди. Бу сингари фестиваллар ёшларимизнинг санъатли биринчи ўринга муносиб деб топилди, голиб жамоага мусикали марказ топширилди. Шунингдек, иккинчи ўринга иккитта ва учинчи ўринга ҳам иккитта номзодлар аниқланиб улара ҳам қимматбахшо совғалар тақдим этилди. Қолган жа-



Набиралар кучоғида.

ФАН ОЛАМИДА

Изланишлар самараси

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини илмий маънода ҳал этиш ишига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг физика-техника институтининг олимлари ҳам ўз муносиб хиссаларини қўйиб келишмоқда. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан кўпи амалиётга таътиб этилиб, халқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ривожига муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Илмий муассаса мутахассислари яратган техникавий янгилликлар эндиликда энергетика, машинасозлик, радиотехника, тиббий каби соҳаларнинг муҳим йўналишларида ўзига кенг йўл топмоқда.

Биз ядро физикаси соҳасидаги техникавий ихтиролар устида ҳам изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди институт директори Саъдулла Лутфуллаев. — Ядро физикаси институтининг маъмурият бунёдига берилган буюртмалар бўйича бажарилган ишлар қурилиш натижаси берди. Биз тайёрлаб берган детектор қурилмалар илмий текширишларда ўзига кенг йўл топмоқда. Бу изланишлар зарралав бўйича юқори энергия қуввати ажратиш хусусиятига эга бўлган бундай техникавий янгиллик қўйиб батареяларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш учун замин яратди.

Ўзбекистон Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги буюртмаси билан қўйиб батареялар қурилмалари намуналари ҳам юзга келди. Эндиликда бу хил батареялар республика кишлоқ ҳўжалигини ме-

Ноёб ўсимликлар

«Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази бир миллиондан ортиқ гербарий намуналарини ўз ичига олган Марказий гербарий неғизига эга.

Ана шу нобўй яшил манбадан самарали фойдаланиш мақсадида марказ фаолияти кенг йўлга қўйилди. «Ўсимликлар дунёси ва систематикаси» лабораторияси ҳам марказий гербарий ихтиёрига берилди.

Кейинги йил йил ичида Ботаника бонингнинг игна баргли ва баргли коллекцияси 50 дан ортиқ намуна, дориов ўсимликлар коллекцияси 20 га яқин тур ҳисобига бойи-ди. Оролбўйи минтақасидан



«Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказининг мириатор устаси Беҳзод Ҳожиметов ёш иқтидорли ихкорлардан бири ҳисобланади. У яратган бир қатор асарлар республикамизда бўлиб ўтаётган кўрғазма ва танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётир.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

муалар йўналишлар бўйича муносиб муқофотлар билан рағбатлантирилди. Бу сингари фестиваллар ёшларимизнинг санъатли биринчи ўринга муносиб деб топилди, голиб жамоага мусикали марказ топширилди. Шунингдек, иккинчи ўринга иккитта ва учинчи ўринга ҳам иккитта номзодлар аниқланиб улара ҳам қимматбахшо совғалар тақдим этилди. Қолган жа-

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлув...

- Иш — меҳнат меҳмон бўлмаган ер, ҳеч вақт бахт-саодат ўрни бўла олмайди.
- Бойлиқнинг файзу баракоти муҳтожларга ёрдам қилишдан ҳосил бўлади.
- Бола тарбияси деган сўз фарзандни фақат моддий жиҳатдан таъмин этиб ўстириш деган маъносини на эмас, тарбияли, одобли этиб етиштириш маъносини ҳам ифода этади.
- Инсон ўзининг қилган хатоларини англаш, уларни тунатган вақтдагина комил инсон бўлади.
- Энг шифобахш дори — овқатни ўз меъёрида истеъмол қилишдир.

БАЙТ:

- **Буюклик келди ҳимматдан нишона, Ки ҳимматининг паст этди замона.**
- Абулаъло-ул-Муарри аятади: — Уйингга келган меҳмонга тушик овқатни берган бўлсанг, кечкурун унга: «Овқатланишга иштаҳангиз борми?» деб сўрама. Меҳмон балки оч бўлса ҳам уялганидан: «Иштаҳам йўқ», деб айтиши мумкин. Шунинг учун қандай овқатни бўлса сўраб ўтирмасдан унга тақдим қил, уни оч қўйма.
- Абу Али ибн Сино аятади: — Ўн гўзал хислат ҳамма саодатнинг манбаи ва маъданидир: биринчиси, инсоф ва адолат, иккинчиси, тилак, орзуларга бўйин эгмай унга голиб бўлишлик, учинчиси, олим-фозиллар билан суҳбатлашиш, улардан фойдаланиш, тўртинчиси, ҳақиқат ва тўғрилиққа содиқ бўлиш, бешинчиси, ёши катталарни иззат ва ҳурмат қилиш, олтинчиси, кичикларга шафқатли ва марҳаматли бўлиш, еттинчиси, дўстликда самимиёт, сазкизинчиси, душманларга ҳам мулоҳима муомаллада бўлиб, улар билан мурося-мадора қилиш, тўққизинчиси, муҳтожларга ёрдам бериш, хайру эҳсон қилиш, ўнинчиси, жоҳил ҳодонларга насихат қилиб, уларни тўғри йўлга кўндиришдан эринмаслик.

БАЙТ:

- **Хирс дунёдан дилингни пок қил, Хайр ила бу сўзини сен идрок қил.**
- Ҳусайн воиз Кошифий аятади: — Уч тоифа одам ақл ва ҳақиқатдан узоқдирлар: биринчи тоифадаги одам ўз кучига ишониб, кўркинчи аҳволга тушади, ниҳоят ўзини ҳалокатга эриштиради. Иккинчи тоифадаги одам ёйиш-ичиш меъёрини билмайди, меъдаси ҳазм қилишдан оҳиз келади. Бу киши ўз жониға ўзи душмандир. Учинчи тоифадаги одам душман сўзига марғур бўлади, бундай кишининг иши ҳасрат ва надомат билан тугайди.
- Яна аятади: — Бир донишманддан: «Ушфёъл, хушмуомалаликни ёдидида тутиш осон бўлиши учун бир-икки жумла билан баён қилинг», деб сўрадилар. Донишманд шундай деди: — Қаҳур ғазабини тарқ қилиш — ҳамма гўзал ахлоқни ўз ичига олади. Ҳазаб зиндонни энг жирканч ярамас бир ўриндир. Ҳазабини тарқ қилмаган киши ҳаққоний ва тақводорлар мартабасига эришмайди.
- Шайх Саъдий аятади: — Бир золим, дилзор киши бир дарвешнинг бошига тош билан урди. Дарвеш ўша пайтда ўч олишдан оҳиз эди. У золимга баробар кела олмасди. Шунинг учун суқут қилиб, золим орган тошни асраб қўйди.

Бир кун пойдоҳ у дилзорнинг ғазаб билан чоғга ташлади. Дарвеш вақтини ганимат билиб, чоғ ёниға келди, ҳолиги тошни дилзорнинг бошиға отди. Дилзор чоғ ичидан дод-фарёд қилиб: — Кимсан, нега бошимга тош отдинг? — деб сўради. Дарвеш: — Фалон дарвешман, бир кун шу тош билан менинг бошимға ургандинг-у, — деди.

Дилзор ундан:

— Шу вақтгача қаерда эдинг? — деб сўраган эди. Дарвеш: — Мени тош билан урган вақтингда сен қувватли, ҳар ерда сўзинг ўтадиган одам эдинг. Шунинг учун сен билан олишиш фойдасиз эди. Энди сени чоҳда топдим, фурсатни ганимат билдим, ўша тош билан уриб интиком олдим, — деб жавоб берди.

БАЙТ:

- **Истанган ким етмайга сенга боло, Бермағил ҳеч кетмайга озору жафо.**
- **ХИКОЯТ:** Бир дала-қир сичқони дўсти шаҳар сичқонини зиёфатга чақирди. Топган-тутган озиларни билан дўстини зиёфат қилди. Зиёфат тамом бўлгандан кейин шаҳар сичқони дўсти қир сичқонини масҳара қилиб: — Дўстим, сен қандай фақирона турмуш қуриб, умр кечирасан. Эртага шаҳардаги мен турадиган саройга кел, менинг қандай шохона турмуш билан умр кечирганиمنى кўрасан, сени ширин овқатлар билан зиёфат қиламан, — деди ва дўсти қир сичқони билан хайрлашиб жўнаб кетди.
- Эртаси кун қир сичқони дўсти шаҳар сичқони турадиган саройига борди. Бунда турли озиқ-овқат сероб эди. Дастурхон устида ранг-баранг овқатлар қўйилган. Хар икки сичқон бошларидан ўтган воқеаларни роҳатланиб сўзлашиб ўтиргандаридан кейин, овқатлардан емоқчи бўлдилар. Шу вақт сарой хизматчиси эшикни очиб кириб қолди. Хар икки сичқон саросималикка тушиб, бир тешикача қочиб қирдилар. Хизматчиси кайтиб кетгандан сўнг шаҳар сичқони тешикдан чиқди, дастурхон ёниға келиб дўстини овқатга чақирди. Қир сичқони ҳам тешикдан чиқиб, дўстининг ёниға келди, титраб-қакшаб: — Ҳаловатингни хар вақт шундай бузадиларми? — деб сўради. Шаҳар сичқони: — Дўстим, нимадан кўрқасан? Асло кўрқма, хар кун шундай воқеа неча марта бўлиб туради. Мен буларга сира ҳам илтифот қилмайман. Шу вақтгача бошимдан бирон фалокат кечгани йўқ. Қани кел, овқатлардан маза қилиб ейлик, — деди. Қир сичқони кўнмай: — Мен бундай кўркинчи ҳаётни истамайман, хар дамда хавф-хатар келтирадиган шохона неъматларни истамайман. Менинг қирдаги уйим тинч, роҳат уйдир. Ҳеч ким қайфини бузмайди, толганини еб, қаерга хоҳласам ўша ерга бориб роҳатланаман, — деб дўсти билан хайрлашиб уйига қайтиб кетди.
- Хисса: Ақлли одамга тинчлик билан топишган оз нарса ҳам тинчликсиз билан топиладиган ва хавф-хатар келтирадиган нарсадан хайрлидир. Шунинг учун «Оз ошим, гавғосиз бошим» дейилган мақол бежиз айтилмаган.

Буюк донишмандлардан бири бахтли оилалар бир-бирига ўхшашлиги билан ажралиб туради ва улар гўзал фарзанд ва хиллатларга эга инсонлардан таркиб топгани учун ҳам бахтлидир деб айтганди.

...Ташрифимиздан беҳабар бўлган Мухтор ота ва Нозимахон аялар ўзбек хонадонига хос назокат билан бизни ичкарига таклиф қилдилар. Тезлик билан тузалган дастурхон устида 80 ёшни қаршилаётган оила боши фотиҳа очиб, хонадонларимизга тинчлик-хотиржамлик тиладида, кейин бизни саволга тортиди. Келишимиз сабабини билгач, Мухтор ота бироз сукат сақлаб турди, сўнг: «Оиламиз тинч-тотув, бироқ бахтли қисматли учун шунинг ўзи кифоя бўла олармикан?» деб яна ўйланиб қолди.

— Қолаверса, бу ҳақда менинг сўзлашим бироз ноқулай бўлса керак. — тортиниб гап бошлади Мухтор ота. — Агарда оиламизни билган-синаган инсонлар шундай деган экан, унда...

Мухтор ота бирин-кетин ўзи қолиб, асосан Нозимахон ая ва фарзандлари ҳақида гурур, ҳиссиётларга берилиб сўзлар экан, унинг нигоҳида хурсандчилик билан бирга орачора қандайдир ўқинч аломатлари ҳам сезилгандай бўлди. Беихтиёр бунинг сабабини билгимиз келди.

— Билмадим, балки бир армонидир ёки шунчаки соғинишим, — деди ёшланган кўзларини артаркан Мухтор ота. — Хар сафар оилам, фарзандларим хусусида гап борганда, кўз олдимда ота-онам гавдаланади. Йойимон комил, мен

кашф этиб, пайвандчилик сирларидан воқиф бўлдим. Бунга «Тўтзор» маҳалласидаги мўъжазгина ховлида хар хил мевали дарахтларнинг сараланган турлари ҳосилга кирганини кўриб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Дарҳақиқат, хар бир дарахтнинг қандай пайванд қилинганда гап кўп, — тушунтиради Мухтор ота. — Пайванд қилинаётган «қаламча» соғлом дархат новдасидан олиниб бошқа ўзига тенг новдага чапиштирилсагина, тез ривожланиб, бақувват бўлади. Янги қурилаётган оилаларни ҳам худди пайванд қилинаётган ўсимликлар каби икки томонлама туб негизга қараб қовуштириш лозим деб ўйлайман.

— Фарзандларимиз балоғат ёшига етганида уларнинг келажаги, хусусан бўлажак оилавий турмушига бефарқ бўлмай, аксинча кўп қайғуришга тўғри келди. — отанинг фикрларига қўшимча қилиб деди Нозимахон ая. — Совчиликка борган айрим хонадон қизлари орасида гўзал, одобли, ўқимшиллари кўп учраган, аммо бизнинг оилага мос тушишига недир сабаб кўзимиз етмаган ҳоллари ҳам бўлган. Ўз ўрнида фарзандларимиз ҳам фикримизга қарши чиқмаганлар. Лекин бу дегани ўғил-қизларимиз мажбуран турмуш қурган эмас. Аксинча урф-одатларимизга яраша уларнинг розилиги билан тўй қилганимиз. Кўриб турганимиздек, ҳаммасининг турмуши чиройли, бекаму-кўст. Келинларимиз томонидан кудаларимизга қизингизни ўқитиш деб ваъда қилган сўзларимизнинг устидан чиқдик. Дарвоқе, қайнонамлар ҳам мени 17 ёшимда келин қилиб, албатта ўқитаман дегандилар. Қайнона эмас, мен учун иккинчи меҳрибон она бўлиб болаларимни катта қилиб тарбиялашда яқиндан ёрдам бердилар. Улар тўғайли яхши касб эгаси бўлдим. Орзу қилган педагогика институтининг мактабига тарбия факультетида сирдан тахсил олиб, фарзандларим каторида яна юзлаб болалар тарбиясига ўз ҳиссамни қўшман деган ниятимга эришдим.

Нозимахон ая кўп йиллар давомида Шайхонтоҳур туманидаги 138-болалар босчасида тарбиячи, услубчи сифатида фаолият юритганлар. Она изидан бориб, аянинг ҳамма қизлари — Арофат, Гулчехра, Вазира ва Гузал, ҳаттоки уччала келинлари ҳам педагогика институти битириб ҳозирда болалар муассасаларида ишлаб келишмоқда.

— Қизларимнинг мен танлаган касбга меҳр қўйганларининг сабабини уларнинг болаларга ўта меҳрибон, ширинсўзликда деб билман, — фахрланиб таъкидлайди Нозимахон ая. — Шу боисдан келинларим ҳам болажон бўлса, деб кўп ўйлардим. Ниятларим холис экан...

Бу оилада болаларга нисбатан бирон маротаба қаттиқ сўз айтилмаганига ишониб қийиндир, балким. Лекин унда самимийлик, меҳр-мурувват устувор эканлигига бир неча бор амин бўлдик.

— Агарда ота-она ва фарзандлар ўртасида ўзаро муносабатлар шахсий ўрнатилган бўлса, шаклланиб борса оила меҳр-оқибати ва албатта мустақам бўлади, — дейди Мухтор ота. — Мени болаларга қаттиққўл, талабчан дейишди. Жисмоний жазо бизнинг оиладан бироқ, лекин беқорчи болаларни кўрсам, ишга солишга ҳаракат қиламан. Фарзандларимни ҳам ўқитишдан ташқари вақтларда ер қолишга, экин экишга ундар эдим. Бундан ташқари улар турли тўғарақларга қатнардилар. Шукр, кам бўлишгани йўқ. Қизларим қаторида ўғилларим ҳам техника олий ўқув юртини тугаллаб илмий ишлар билан шуғулланишди. Балки, ҳақиқий инсоний бахт шунда бўлса керак?

— Қўрбошимизнинг ташаббуслари билан 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинишидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — деди биз билан хайрлашар экан Мухтор ота. — Биз кексаларга бўлган ҳурмат-эътибор янада кучайди. Шунинг унутманглар болажонларим, кексалария аёллари қадрланган, фарзандлари эъзозланган, миллий ўқумлари ва маънавий қадриятлари кўз очган юртининг келажаги албатта порлоқ бўлади...

Дарҳақиқат, кичик бир новдани азамат дарахт бўлиб етишунга қадар эъзозлаб парваритиш қилганинг эъзозига унинг ҳосилидан баҳраманд бўлиш насиб этса, бундан афзалроқ бахт йўқ, албатта. Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси, файзу-баракаси ва тилсимси бўлади» дейишлари бежиз эмас. 55 йил бирга турмуш қуриб, 7 фарзанд, 21 невага қамолни кўрган, эндиликда 17 чеварага суяниқ бўлаётган Мухтор ота ва Нозимахон ая бошчилигидаги бахтли оиланинг тилсимси ҳам кўзгү каби акс этиб атрофга гўёки нур сочаётган фарзандлар бахт-саодати ва тотувлигидадир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
СУРАТДА: бахтли хонадон соҳиблари Мухтор ота ва Нозима ая невага-чеваралари даврасида.
Тоҳир НҒИМАТҒУЛЛИН олган сурат.

Тотувлик сирлари



хам, аёлим ҳам ота-онамиз ҳурмати тўлалигича бажо этганимиз. Аммо хани энди барча хурсандчиликларни улар билан биргаликда баҳам кўрсам деган туйғу қалбим чеккасини доимо қамраб туради. Менимча ҳеч бир инсонни ёшидан қатъи назар, ота-онасига талпиниб яшаши одати тарк этмас керак...

Мухтор ота ёшлигида сўзининг устидан чиқадиган чапани йигитлардан бўлган, шу билан бирга ота-онаси сўзини ҳам икки қилмаган. Хаттоки унинг бошини иккита қилишмоқчи бўлишганда ҳам «нима десангиз шу» деб, ота-онасига маъқул бўлган қизга уйланган. Бўлажак қаллиғини эса фақат тўй кунини кўриб танишган.

— Шунинг учун ҳам хануз Нозимахон жаҳли чиққанида «Ягона армоним тўйдан олдин учрашувга таклиф этмай муқаймоқ олиб беришимизда», — деб юзимга солгани солган, — ҳазиллашди Мухтор ота. — Одатда ўзбек хонадонига ўғил туғилса, келин учун сарпо-суруқлар қаторида бир неча пой қалиш ёки қовуш гапга қўйилар экан. Бу борада яъни келин танлашда онам ҳеч қийналмаганлар. Биринчи оstonасини қоқиб борган хонадондан улар қуда-андалик бўлдим деб ҳабар олиб келганлар.

Шу тарзда Мухтор отанинг хар бир сўзини диққат билан тинглаб ўтирган Нозимахон ая сўзбегатга қўшилди: — Бир маротаба эмас, бир неча маротаба, отаси... Аслида, эсингизда бўлса, онам бошида қарши эдилар, кейинчалик отам «деҳқончилик — бойлик белгиси, қизимиз оиламиз баракали бўлишига ишончим комил», деб розилик берганлар.

Ҳақиқатан ҳам, Мухтор ота меҳнат фаолиятини қишлоқ ҳўжалиги техникумини битирган Ғулом Махмудов номидаги жамоа ҳўжалигида бошлаган. Йигитлик бурчини эса ҳўққуни муҳофаза қилиш тизимида ўтаб, кейинчалик йўлланма асосида шу соҳада яна 25 йил хизмат қилди. Бирок бодгорчилик, ўсимликларга бўлган ҳаваси ахирги устун келди. 1974 йилда Мухтор Муродов пиллачилик илмий-тектириш институтига ишга кирди.

— Бу даргоҳда кўп нарсани ўргандим, — таъкидлайди Мухтор ота. — Қандай фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар кўпчилик менга устозлик қилди. Улардан пиллачилик соҳаси бўйича илдан игнасиғача сабоқ олдим, кўп изланишларда қатнашдим, пиланинг янги навлари яратилишига ҳисса ҳам қўшдим. Ва айнан шу институтда ҳақиқий хунар эгаси номини орттирдим, янги кўчатлар

ИСТИРОХАТ МАСКАНЛАРИДА

Боғлар чорлайди

Айни кунларда гўзал пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Боғи Эрдм» номли маданият ва истироҳат боғи ўзининг сўлим бағрига дам олувчиларни чорламоқда.

Мазкур маданият масканида мавсум очилишига қадар анчагина ишлар бажарилди. Боғ ичи, атрофидаги ҳамма ариқлар, жумладан Салор ариғининг — 1000 метр қисми чиқиндилардан тозаланди. Аҳолининг мароқини дам олиши учун мавжуд 14 та аттракционлар техник қўриқдан ўтказилиб, улар ҳамда ўриндиқлар рангини бўёқларга бўяди, 300 донадан гладиолус ва атитрул, 15000 дан ортиқ чиннигул, райхон, гўлжохироз ва бошқа бир йиллик хар хил гуллар чимлар усти, майдон атрофларида ўтказилди.

Боғдаги етти юз кишига мўлжалланган боғ саҳна ва эстрада биноси қайта таъмирланди. Каттагина майдонга спорт мажмуаси қурилган, мазкур иншоот футбол, волейбол ҳамда катта теннисга мўлжалланган. — Бу йилги мавсумий режаларимиз бисёр, — дейди боғ директори Солиқ Собиров. — Хар йилгидек мавсумоли ишлар — ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари тугалланди, лекин қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Маданият масканида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган ранг-баранг учрашувлар, кечалар, турли-туман танловлар, кўриқлар ва албатта спорт ўйинлари, мусобақалар ва беллашувларни ўтказиб борамиз. Барча тантаналар санъаткорларнинг ўтмади. Боғда кўплаб касб байрамлари ҳам мунтазам тарзда нишонланади.

Таъбирлар режаси боққа келувчиларнинг — кичкинтой болаларлар-у ўқувчи-талабалар, кекса отахону мўътабар онахонларнинг мароқини дам олишлари учун, барчанинг дидаги мос тарзда амалга оширилади.

Мухаббат ҲАБИВУЛЛАЕВА

СОТИЛАДИ
Метронинг «Тинчлик» бекати ёнида жойлашган тўрт хонали панелли квартира сотилади. Телефон: 49-42-17.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошшаҳармаишияхиматушма»-си Сизларни 9-май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами билан табриқлайди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 8 май кунини хайрия сифатида пойтахтимизнинг қуйидаги манзилдаги сартарошқоналарда туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари билан биргаликда кекса ва ногирон миқозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этмоқда.

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга кўнгириқ қилишингиз мумкин: 55-39-01, 55-39-10.

2002 йил 8 май Хотира ва Қадрлаш байрами арафасида кекса ва ногирон миқозларга бепул сартарошқон хизматини кўрсатадиган корхоналар РЎЙХАТИ

№ 1	Корхона номи	Манзили	Телефон
1.	«Санжар Дил» ХФ	Фарҳод кўчаси, 14а-уй	75-97-27
2.	«Эдем и Л» ХФ	Лутфий кўчаси, 13-мавзе, 14а-уй	74-80-40
3.	«Палин» ХФ	Чилонзор 13-мавзе, 15-уй	74-34-33
4.	«Чень-Чун» ХФ	Х. Бойқаро, 108	195-19-66
5.	«Ким-Дилором» ХФ	Х. Бойқаро, 36	
6.	«Яна-Бриз» МЧЖ	Кичик Бешёғо кўчаси, 204-уй	191-76-71
7.	«Нозанин» ХФ	Норхўжаев кўчаси, 166-уй	191-64-16
8.	«Миробод тумани» ОАЖ	Миробод бозори худудида	54-06-79
9.	«Сўҳбат-Муаззам» ХФ	Буюк Турон кўчаси, 75-уй	56-03-39
10.	«Хурят Бегим» ХК	Буюк Ипак йўли, 257-уй	66-33-91
11.	«Марсо» ХФ	ТТЗ-4, 4-уй	64-92-18
12.	«Моно» ХФ	Хумоюн мавзеси, 3а-уй	161-46-89
13.	«Ойнали» МЧЖ	Оққўрғон кўчаси, 32-уй	68-78-91
14.	«Линда» МЧЖ	Қорасув 2-мавзе, 18-уй	65-72-64

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар, муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

№ 1	Корхона номи	Манзили	Телефон
15.	«Карима» ХФ	Собир Раҳимов тумани	46-61-19
16.	«Захро» ХФ	Фаробий кўчаси, 418-уй	144-52-70
17.	ХТ Тулаганов	Себзор даҳаси, 52-уй	
18.	«Назоқатбегим» ХФ	Корасарой кўчаси	
19.	«Асунсон» ХФ	Сергели тумани	
20.	ХТ Мирҳошимова	Спутник-7 мавзеси, 47-уй	
21.	«Афин» МЧЖ	Сергели-8а мавзеси, 21-уй	76-42-33
22.	«Хожи Носир» ШК	Сергели-1 мавзеси, 1-уй	
23.	ХТ Алимов И.	Чилонзор 16-мавзе, 16-уй,	
24.	«Бинокор» маҳалласи	Чилонзор тумани	
25.	«Клео-Гул» ХФ	65/66 хонадонлар	
26.	«Ғайратжон» ХФ	Қаторол кўчаси, Савдо растаси, Блок А	
27.	ХТ Пайзиев	Фарҳод кўчаси, 3-уй, 14-хонадон	79-57-94
28.	«Муҳайе» ЧХ	Ҳамза тумани	
29.	«Каттаҳовуз» маҳалласи	Стронитель кўчаси, 39а-уй	90-50-45
30.	«Оқлон» ХК	Ҳамза кўчаси, 108-уй	
31.	ХТ Мирзахмедов А.	Миршарипов кўчаси, 11-уй	98-04-82
32.	ХТ Пайзиев М. Н.	Бирлашган кўчаси, 1-уй	97-72-12
33.	«Ой-Нур-Бек»	Шайхонтоҳур тумани	
34.	«Лола салони»	Уйғур кўчаси, 411-уй	
35.	«Расулжон» ХФ	А. Хўжаев кўчаси, 1-шаҳар касалхонаси	
36.	«Лутфий» ХК	Уйғур кўчаси, 3а-уй	
37.	«Акцин» ХИЧВК	«Исломобод» маҳалла гузарини	
38.	ХТ Собитов Б. М.	Ишчилар шаҳарчаси бекати	
39.	ХТ Забрудская Н. Н.	Юнусобод тумани	
		Юнусобод 11-мавзе, 7-уй, 28-хонадон	125-53-14
		Юнусобод 2-мавзе, 7-уй	21-29-23
		Ниезбек йўли, 2-уй	35-03-09
		Яккасарой тумани	
		У. Носир кўчаси, 28-уй	55-65-04
		У. Носир кўчаси, 36-уй	54-14-16
		Чўпон ота кўчаси, 1а-уй	53-40-12
		У. Носир кўчаси, 132-уй	50-54-46

Манзилимиз: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.